ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01096

ИЛМИЙ-ТЕХНИК БИЛИМЛАР ТИЗИМИ - МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОБЪЕКТИВ ҚОНУНЛАРИДАН БИРИ

Жўрабек Жуманазар ўғли Ражаббоев
Урганч давлат университети талабаси
sv997710@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада глобаллашув даврида ҳозирги ёшларнинг ижтимоий-маданий макон менталитетини ўзгартирган маънавий ўзгаришлар ҳақида сўз юритилди. Замонавий глобаллашувнинг асосий хусусиятлари ва асосий параметрлари таҳлил қилинди. Шунингдек, дунёни барча соҳаларда ва миллатлараро миқёсда бирлаштиришда ижтимоий алоқалар, бирдамлик ва ўзига хосликнинг пайдо бўлиши таҳлил қилинади. Ушбу жараёнларнинг барчаси бугунги ёшлар менталитетининг ўзгаришига таъсир қилади деган хулосага келинди.

Калит сўзлар: инновация, ижод, ижодкорлик, устунлик, замонавий таълим, билим, жараёнлар, уйғун қараш, глобалистик дунёқараш, кенгайтирилган ёшлар менталитети, ёшларнинг қадрият йўналишлари, ёшлар онги.

THE SYSTEM OF SCIENTIFIC AND TECHNICAL KNOWLEDGE IS ONE OF THE OBJECTIVE LAWS OF SPIRITUAL DEVELOPMENT

ABSTRACT

In this article discussed the spiritual changes that have changed the mentality of today's youth of the socio-cultural space in the era of globalization. The main characteristics and basic parameters of modern globalization are analyzed. It also analyzes the emergence of social ties, solidarity and originality in uniting the world in all areas and on an interethnic scale. It has been concluded that all of these processes affect the change in the mentality of today’s youth.

Keywords: innovation, creation, creativity, superior, modern education, cognitive, processes, harmonious view, globalist worldview, expanded youth mentality, youth value orientations, youth consciousness.

КИРИШ

Илмий-техник билимлар ҳам маънавий тараққиётнинг объектив қонунлари, талаблари интиқосидир. Тўғри, маънавий меросимизда бу муаммони ҳал этишга ўрин топилмаган, аммо ҳозирги давр илмий-техник

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01096

изланишларни тақозо этади; ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида илмий-техник инқилоб ютуқларидан унумли фойдаланиш заруриятга айланган. Шубҳасиз, халқимиз маънавий меросида улуғланадиган ижтимоий адолат, идеал жамият, комил инсон, юксак маънавият, инсонпарварлик, ватанпарварлик, иймон-эътиқод, гўзал хулқ-атвор, жамоавийлик, иноқлик, камтарлик, саховатпешалик, тинчликсеварлик, меҳнатсеварлик, оилапарварлик каби фазилатлар ўлмас қадриятлардир, уларни ўзлаштириш ва ёш авлод қалбига сингдириш бурчимиз. Ёшлик оламга, ҳаётга, уларни англашга қизиқишларнинг шаклланадиган палласидир. Туғма қобилиятлар борлигини инкор қилиб бўлмайди. Масалан, машҳур композитор Моцарт 4 ёшида опера ёзган, рус композитори Прокофьев 9 ёшида, Мендельсон эса 14 ёшида мусиқа басталаган. Алишер Навоий ёшлигидаёқ Атторнинг “Мантиқ ут тайр” асарини ёддан билган, Беруний ва Ибн Синонинг ёшликдан илм фанга қизиққани, нодир қобилият эгаси бўлгани маълум. Мазкур қобилиятлар, албатта, ташқи детерминистик таъсирлар туфайли камол топган, ноёб воқеликка айланган. Агар ушбу даҳолар ўз устида ишламаганида, изланишни ҳаёт ва фикрлаш тарзига айлантирмаганларида етуклик даражасига чиқиши амри маҳол эди. Тан олиш керакки, баъзан табиатда истиснолар учраб туради. Масалан, Бурденко номидаги машҳур илмий тадқиқот институтига 16 ёшар йигитча ташҳисга келади. Таҳлил пайтида бош мия ҳеч қандай ишлаш аломати бермаётгани аниқланади. Теширишдан маълум бўладики, йигитчада ўнг мия йўқ, чап томон эса арзимас даражада сақланиб қолган. Шунга қарамасдан, йигитча фаол яшаган, аъло ўқиган, спорт билан шуғулланган, интеллетуал нуқтаи назардан тенгдошларидан анча юқори. Бу аномал ҳодиса барчани ҳайратга солган. Бу истисно, оддий табиий ҳодиса эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон мияси 35 км. га жой бўладиган ахборотларни ўзига жо этиш хусусиятига эга. Бутун рисолани бир ўқиганида ёдлаб қоладиган, икки қўлида ҳам бемалол ёзадиган, ўттиз рақамгача ёдида сақлаб қолиб, шу заҳоти уларни кетма кетликда айтиб бероладиган вундеркиндлар етарлича топилади. Демак, инсонни, айниқса ёшларни истаган ижод турига ўргатиш мумкин. Замонавий таълим тарбия, педагогика ушбу тамойилга асосланган. Респондентларимизнинг юқоридаги жавоблари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Инновацияни илмий техник ижод тури билан чегаралаб қўйиш мумкин эмас, у инсон фаолияти ва қизиқишларининг барча томонларига,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01096

йўналишларига тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам адабиётларда “социал инновация”, “юридик инновация”, “агроинновация”, “эстетик инновация”, “бошқаришдаги инновация”, “педагогик инновация” каби атамалар учрайди. Баъзан уни илмий техник изланишлар, янгиланиш билан боғлашганда соҳага илмий техник янгиликларни олиб кириш, технологик модернизациялаш назарда тутилади. Ишлаб чиқариш жараёнлари ва хизмат турларини замонавий техника воситалари билан алмаштириш инновация сифатида талқин қилинади. Бу талқинда инновацияни ҳар қандай янгиликка ўхшатиш кўзга ташланади. Бизнинг фикримизча, уни соҳани, объектни, жараённи моҳиятан янги йўшналишга солишга қаратилган ижодий фаолият тури, деб билиш ўринлидир.

Ижтимоий борлиқнинг, жамият тараққиётининг динамик хусусиятлари, талаблари инновацион тафаккурга таъсир этувчи ташқи детерминантлардан биридир. Умуман, инсон онги ва тафаккурида кечадиган когнитив ҳодисалар ана шу детерминатларнинг таъсири туфайлидир. “Ижтимоий тараққиёт барқарор ва ўзгарувчан, оқибат ва натижа, эволюция ва инволюция, инқилобий ва аскилинқилобий, англанган ва тасодиф каби амбивалент воқеалар орқали кишилар тафаккурига, онгига таъсир этади, уларни маълуи бир ғоялар, қарашлар ва маънавий қадриятлар таъсирида яшашга мажбур қилади. Бу ўринда ижтимоий тараққиёт маълум бир ғоялар, қарашлар ва маънавий қадриятлар маҳсули сифатида келади”. Ижтимоий борлиқнинг ушбу зиддиятлари инновацион тафаккур ва изланишларда акс этмай қолмайди. Ижод соҳасидаги интуитив билиш ёки илҳомга берилиш ҳар доим ҳам англанган воқелик бўлавермайди. Ёки бирор янги технологиянинг кашф этилиши мудом инқолобий аҳамият касб этмаслиги мумкин. Бироқ ҳар бир янгилик, инновация ниманидир, қандайдир тарзда объектнинг функциясини яхшилаши, такомиллаштириши шарт. Ана шу тарздагина инновация ижтимоий борлиқ, жамият тараққиёти талабларига мувофиқ келади. Инновацион тафаккурни ижтимоий онгнинг кўриниши сифатида қараш мумкин. Инновацион тафаккурнинг ижтимоий борлиқ, жамият талабларидан келиб чиқиши унинг ижтимоий онг билан муштараклигини кўрсатади. Тўғри, бу муштараклик мутлақ эмас, уларнинг ўзига хос белгилари, функционал хусусиятлари мавжуд. Ижтимоий онгга оид когнитив жараёнлар инновация тафаккурида ҳам кукзатилади. Ушбу жараёнларнинг хусусиятларини С.Норқулов қуйидагиларда кўради: “Ижтимоий онг оддий сеситив ҳодиса, кечинма эмас, у ташқи олам, жамият ва унинг иманент қонунларини, сиёсий,иқтисодий, маънавий, маданий жараёнларни илмий таҳлил қилишга, ҳаёт тажрибаларига асосланган,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01096

синовлардан ўтиб, шахс ва жамият, инсон ва борлиқ муносабатларини ифода этадиган субъектив воқеликдир. Ижтимоий онгнинг ижтимоий борлиқ билан боғлиқ хусусияти инсоннинг когнитив сенситив кечинмаларига ҳам ушбу борлиқ қонунларига, талабларига мувофиқ ёндашишни, онгдаги трансформацион ўзгаришларни ҳам ўша қонунлар ва талаблар нуқтаи назаридан ўрганишни, эндотрансформация ва экзотрансформация жараёнларини уйғунликда қарашни тақозо этади". Демак, ижтимоий борлиқ талаблари билан инновацион изланишлар ўртасидаги боғлиқлик инсон сенситив, когнитив кечинмаларида намоён бўлади, бу кечинмаларнинг тўлқинсимон, флуктацион кечиши ана шу боғлиқдаги флуктацион жараёнлар билан боғлиқдир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ижодий фаолиятнинг сирли, гоҳо мавҳум воқелик сифатида акс этиши мана шу тўлқинсимонликдадир. Масалан, Ўзбекистон жамияти тараққиёти демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш билан боғлиқ, бу вазифанинг бажарилиши силлиқ кечаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ўзининг танқидий таҳлилларида ўтган ўн йилликларда қандай салбий ҳодисалар содир бўлганини, бошқариш институтлари фаолиятидаги ғайриқонуний ҳоллар илгари силжишга халақит бериб келганини кўрсатди. Демак, жамият тараққиёти силлиқ кечмайди, унда ижобий ўзгаришлар билан бирга флуктуацияни англатувчи салбий ҳоллар ҳам учрашини билдиради. Инновацион изланишлар ушбу зиддиятли вазиятда ижобий ҳодиса сифатида ижтимоий борлиққа таъсир қилади, кишиларнинг тараққиёт ҳақидаги қарашларини янгилайди. Респондентларимизнинг деярли ярми (48 фоизи) Ш.М.Мирзиёев амалга ошираётган ислоҳотлар ёшларда инновацион изланишларга бўлган қизиқишни оширмоқда, анъанавий ҳаёт тарзини замонавий қадриятлар, нормалар билан бойитишга ундамоқда, деб жавоб беради. Уларни учдан бири (32 фоизи) жамиятимизда инновацион ўзгаришларга мойиллик ҳали кучли эмас, кишилар ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ижобий янгиланишларни кўзлари билан кўраётган бўлсалар да, уларнинг туб моҳияти кишилардаги креатив фаолликни ҳаракатга келтириш эканини охиригача англаб етмаётирлар, деб ҳисоблайди. Шаҳар ва қишлоқларимиз янги кўринишга ўтмоқда, ҳаёт тарзи сифати ошмоқда, ёшларнинг қобилиятини , интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган чора тадбирлар кўрилмоқда, янги янги олий ўқув юртлари очилмоқда. Бу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01096

янгиланишлар кишиларимизнинг миллий тараққиёт ҳақидаги фикрларини ўзгартирмай қолмайди, албатта. Бироқ кишиларимизнинг қуйи давлат бошқарув идоралари фаолиятидан ҳали тўла қониқмаётгани ҳам кўзга ташланади. Респондентларимиз ўз жавобларида ушбу салбий ҳоллардан ҳам келиб чиқишган. Ёшлар салбий ҳолларга кескин муносабат билдириб, улардан тезроқ халос бўлишга интиладилар. Улар онгидаги бу ўзгариш миллий тараққиётимизда бошланган янги босқичнинг, унда қўлланилаётган танқидий таҳлил ҳамда барча соҳаларда амалга оширилаётган янгиланишларнинг таъсиридир. Бу ўринда Ш.М.Мирзиёевнинг собиқ “Камолот” ташкилоти тўғрисидаги танқидий фикрларини, уни янгилаш ҳақидаги таклифларни келтириш мумкин. “Камолот”, дейди Ш.М.Мирзиёев, бутун Ўзбекистон ёшларини бирлаштирган, том маънодаги оммавий ҳаракатга айлана олмади. У асосан ўз атрофида Ҳаракат фаолиятига хайрихоҳ бўлган ёшларни уюштириб, фақат уларни қизиқтирган масалалар юзасидангина иш олиб борди. Нтижада ёшларнинг кенг қатламларига тааллуқли бўлган долзарб масалалар, аввало, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни катта мақсадлар сари сафарбар этиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, қисқача айтганда, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзини ҳақиқий ёшлар ташкилоти сифатида кўрсата олмади”. Шунга ўхшаш ҳоллардан келиб чиқиб Президентимиз, ёшларни ватанпарвар, интеллектуал бой, маънавий ахлоқий нуқтаи назардан ибратли, креатив шахслар қилиб тарбиялашни кун тартибига қўйди ва ташкилотни “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” деб ўзгартиришни, жойларда Ёшлар ташаббуслари марказлари ташкил қилишни таклиф этди. Респондентларимизнинг аксарияти (71 фоизи) танқидий таҳлилга қўшилишини билдиради, ёшларнинг ижтимоий онгида креатив фаоллик ғояларини сингдирмай, инновацион ривожланишни таъминлаб бўлмаслигини билдиради. Бу ёшларимиз онгида ўз фаолияти ва ён атрофга танқидий ёндашувлар шаклланаётганидан дарак беради. Бу ёндашувда ижтимоий тараққиёт манфаатларидан, жамият ривожланиши динамикасидан келиб чиқиш устувордир.

ХУЛОСА

Инновацион тафаккурни ҳаракатга келтирувчи навбатдаги ташқи детерминант реал ҳаётий борлиқ билан идеал ҳаётий борлиқ ўртасидаги зиддиятларни англашга бориб тақалади. Ушбу когнитив воқелик аввало ёшларда бор кучи, зиддиятлари ва кўлами билан намоён бўлади. Улар ўзининг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01096

психофизиологик хусусиятларига кўра, ён атрофни мукаммал, етук кўришни, мавжуд тўсиқлардан тезроқ халос бўлишни исташади. Натижада уларда янгиликка ўчлик, янгиланиш ўйи ва ташвиши билан яшаш истаги шаклланади. Фалсафа фанлари доктори, профессор З.Р.Қодирова ёзади: “Ёшлар оммавий тарзда ҳали ўзининг ижтимоий мақомига эга бўлиб улгунмаган, жамиятда турғун ўрнига эга бўлмаган ижтимоий қатламдир. Шу сабабли бу қатлам намоёндаларининг ижтимоий тузилмага интеграция бўлиш жараёнида турли ўзгаришлар содир бўлиши мумкин.[1] Бир пайтлари, советлар даврида ёшлар 14-25 ёш қилиб белгиланганда уларни ижтимоий муносабатларга киришиши, ҳаётдан ўз ўрнини топиши шундай таърифланган. Бироқ бугун бу чегара ўзгарди, энди ёшлар 30 гача қилиб белгиланган. Шундай экан ёшлар “ижтимоий мақомига эга бўлиб улгурмаган” дейиш эътирозлар уйғотиши мумкин.

REFERENCES

1. Пешкова В. Феномен гения. Ростов на Дону, Феникс, 2006. С.7.
2. Қаюмов А. Асарлар. 3 жилд. Тошкент: MUMTOZ SO Z? 2009. 106 107 б.; Қаюмов А. Асарлар.9 жилд. Тошкент: MUMTOZ SO Z, 2010. 64 65, 298 299 б.
3. Нервные клетки всё таки восстанавливаются // Аргументы и факты, 2015, №5.
4. Норқулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгда трансформация жараёнлари Тошкент: Navro`z, 2015. 186 б.
5. Ўша асар. 178 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.Т.1. Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2017. 506-507 б.
7. Қодирова З.Р. ва бошқалар. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий фалсафий масалалари Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашр., 2006. 7 б.

[1] Қаранг: Қодирова З.Р. ва бошқалар. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий фалсафий масалалари Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашр., 2006. 7 б.